

Террорчилик лавҳаларини тарқатган Филип Арпсга 21 ой қамоқ жазоси берилди



16:40 / 19.06.2019 2754

Янги Зелландиянинг Крайстчерч шаҳридаги Нур ва Линвуд масжидларида 51 кишининг ҳаётига зомин бўлган террорчилик лавҳалари акс этган видео тасвирни ижтимоий тармоқларда тарқатган кишига 21 ой қамоқ жазоси белгиланди. Бу ҳақда CNN хабар беради.

Маҳбуснинг адвокати маълум қилишича, унинг мижози айнан машъум кундаги террорчилик тасвирлари туширилган видео тасвирни ижтимоий тармоқларда тарқатгани учун 21 ойга озодликдан маҳрум этилган. Янги Зелландия раидоси (RNZ)нинг масалага ойдинлик киритишича, жавобгар Филип Арпс 15 март жиноят содир этилган куни террорчи Brent Tarrant томонидан тасвирга олинган видео хабарни бир зумнинг ўзида 30 нафар кишига тарқатиб юборган. Судя Стивен Дрисколлнинг ҳисоботида, Арпс

мусулмон жамоасининг иззат-нафсини писанд қилмасдан «оммавий қотилликни мақтаган ва уни қўллаб-қувватлаган» деб айтилади.

Маълум бўлишича, Янги Зелландия кино ва адабий асарларни таснифлаш идораси Крайстчерчдаги икки масжидда содир этилган террорчилик хуружлари тасвири туширилган видеоларни номақбул тасвирлар деб эътироф этган ҳамда уларни сақлаб, тарқатишда жиноят аломатлари бор деб ҳисоблаган. Шундай мазмундаги видео тасвирларни тарқатиш Янги Зелландия қонунчилигига кўра, 14 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгилаб қўйилган. Жорий йил 15 март куни мазкур террорчиликни содир этган Таррантга нисбатан мамлакатнинг амалдаги қонунчилиги бўйича умрбод қамоқ жазоси белгиланиши кутилмоқда.

Islom.uz портали таҳририяти